

УДК: 616.716-001.5-089.87:616-036.86:001.891

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТИББИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЮЗ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАРИНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ САМАРАДОЛИГИНИ БАҲОЛАШ



Аббосов Отабек Мардонович³, Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович², Мирзабаев Абдуразок Мамирович³

1 - Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.;

3- Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарканд филиали, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕАБИЛИТАЦИИ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ОБЛАСТИ ЛИЦА ПУТЕМ ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ИССЛЕДОВАНИЙ В МЕДИЦИНЕ

Аббосов Отабек Мардонович³, Абдурахмонов Фарход Рахмонович¹, Боймурадов Шухрат Абдужалилович², Мирзабаев Абдуразок Мамирович³

1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент;

3- Самаркандский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF REHABILITATION OF COMPLICATIONS OF SOFT TISSUE INJURIES MAXILLAFACIAL REGION THROUGH THE APPLICATION OF RESEARCH RESULTS TO THEORETICAL AND PRACTICAL MEDICINE

Abbosov Otabek Mardonovich³, Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich¹, Boymuradov Shukhrat Abdujalilovich², Mirzabayev Abdurazok Mamirovich³

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent;

3 - Samarkand branch of the Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: farhodhai1975@mail.ru

Резюме. Ушбу мақолада юз-жағ соҳа юмшоқ тўқималари шикастланиши асоратлари даволаш ва профилактик тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, бир неча иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик ва илмий янгиликларга қаратилган. Шунингдек, асоратларини олдиндан башиоратлаш ва реабилитация қилиш мақсадида тадбиқ этилган замонавий текшириш ва даволаш усуллари бир қанча иқтисодий ва ижтимоий самарадоликка олиб келиши илмий жиҳатдан асосланган.

Калим сўзлар: иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик, асоратларини башиоратлаш, реабилитация қилиш.

Abstract. The article discusses the implementation of the results of scientific research on the treatment and prevention of complications of soft tissue injuries of the maxillofacial region, a number of economic and social benefits, and scientific innovations. In addition, it has been scientifically proven that modern examination and treatment methods introduced to predict complications and rehabilitation lead to a number of economic and social benefits.

Keywords: economic and social efficiency, prediction of complications, rehabilitation.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки бугунги кунда инсон ҳаётига хавф солаётган касалликлар ичида ўсма, юрак-қон томир билан биргаликда қўшма жароҳатлар ҳам туради.

Юз-жағ соҳаси жароҳатлар ва уларнинг асоратлари сони сўнгги йилларда ортиб бормоқда, муаллифларнинг маълумотларига кўра қўшма

жароҳатга учраган беморларнинг 69-70 % юз соҳаси зарарланади. Юз-жағ соҳаси қўшма жароҳатлари кўпинча турли хил оқибатлар ва асоратларга олиб келади, улар шикастланишдан кейинги ўткир, ўткир ости ва кечки даврларда юзага чиқиши мумкин [7,8]. Ушбу жароҳатларнинг энг кўп учрайдиган асоратларидан бири бу яллиғланиш асоратлари бўлиб,

айниқса постравматик остеомиелит касаллигининг салбий оқибатларини реабилитация қилишда ўзига ҳос қийинчиликлар келтириб чиқаради. Остеомиелит келиб чиққанда касалликни даволаш муддати икки мартага чўзилади, сабаби суякларнинг репаратив остеогенези муддати ошиб, суяк бўлаklarининг консолидацияси қийинлашади натижада ҳатто ёлғон бўғимлар ҳам келиб чиқиши мумкин [1,2,4]. Шу сабабли юз суяклари синиши ва юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари оқибатида юзага келадиган асоратларни башоратлаш ва уларни даволашнинг патогенетик хусусиятларини етарлича ўрганиш уларнинг йирингли асоратларини профилактика қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ошириш учун юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатлари асоратлари клиник, лаборатор мезонларини аниқлаш, диагностик ва прогностик аҳамиятини тизимлаштириш, ихтисослашган муассасаларида даволашнинг жарроҳлик, реабилитацион босқичлари самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган клиник ва ижтимоий жиҳатлар асосида юз жағ соҳа юмшоқ тўқималари кўшма жароҳати асоратлари (ЮЖСЮТҚЖА) бўлган беморларда комплекс реабилитация тизими (модел) ишлаб чиқиш, реабилитациянинг турли босқичларида қўлланилган ультрафонофорез, лазеротерапия ва жарроҳлик усуллари янги конструкциялари яратиш талаб қилинади.

Тадқиқотнинг мақсади: Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратлари мавжуд беморларни даволашда замонавий ёндашув орқали реабилитация қилиш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот усуллари ва материаллари: Тадқиқот давомида беморлар жароҳат оқибатида юз соҳасининг йирингли яллиғланиш, чандикли-деформацион асоратлари, юз соҳаси тўқималар ва аъзоларнинг нуқсонлари мавжуд беморлар 3 гуруҳларга тақсимланди: биринчи назорат гуруҳига (I гуруҳ $n=33$) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан анъанавий усулда даволанган беморлар;

иккинчи асосий гуруҳига (II асосий $n=102$) жароҳатлари озон ва паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволанган беморлар;

учинчи асосий гуруҳига (III асосий $n=51$) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари CO_2 фракцион лазер ва ультрафонофорез билан биргаликда комплекс даволанган беморлар киритилди.

Шунингдек, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳати бўлган беморларнинг клиник-лаборатор ва инструментал текшириш натижалари олинган. Барча беморлар клиник, лаборатор, инструментал (панорамали 3D, ортопантомограмма, КТ, МСКТ, антропометрик ўлчовлар, ташки кўринишнинг олд ва ён томондан олинган фотосуратлари) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Ушбу ЮЖСЮТҚЖлари асоратларини умумий таҳлиliga келадиган бўлсак, барча тадқиқот гуруҳига киритилган 186 нафар беморнинг 91(48,9%) нафарида жароҳатларнинг йиринглаши, 79 (42,5%) нафарида

чандикли деформацион ва 16(8,6%) нафарида эса тўқима ва аъзолар нуқсонлари аниқланди. Тадқиқотга киритилган барча беморларнинг асоратларини келтириб чиқарувчи жароҳатлар сабаблари ва турлари таҳлил қилинганда 133(35,8%) нафари маиший, 49(26,1%) нафари муштлашувлар оқибатида, 58(31,4%) нафари автохалокатлар ва 12(6,7%)нафари спорт жароҳатлари оқибатида жароҳатланганлар ташкил қилди. Шикастланганлар орасида ўқотар куруллардан, кимёвий воситалардан жароҳатланганлар кузатилмади. Юқоридагиларнинг аксарият қисмини туман шароитида истикомат қилувчилар (71,7%) бўлса, шаҳар аҳолиси (28,3%) уларнинг камроқ қисмини ташкил қилади.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши бир неча иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик ва илмий янгиликларга эришилди:

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг жароҳатлари асоратларини инфрақизил термометрия, ультратовуш ёрдамида баҳолаш, озон билан комплекс даволаш йирингли-яллиғланиш ва чандикли деформацион асоратларини олдиндан аниқлаш имконини бериши асосланди. Натижада юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари инфрақизил термометрия, ультратовуш ёрдамида юзага келиши мумкин бўлган жароҳат лахтақларининг ишемияси ва жароҳатларнинг йиринглаши каби асоратларини олди олиниб, даволаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва хатолар сонини минималлашга эришилди;

Бундан ташқари беморларда юз соҳасида кутилажак йирингли яллиғланиш ва чандикли деформацион асоратларни олдиндан башоратлаш ушбу соҳадаги флегмона, абсцесс, чандикларни ҳосил бўлиши частотаси 14,5% дан 7,8% гача камайганлиги; асоратларнинг частотасини камайтириш орқали беморлар даволашдан кейинги реабилитация тез амалга ошириши ва фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтарилиши, ушбу касаллика чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаб, кўшимча жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ бўлган стресс ва ноқулайликлар бартараф этилишига эришилган.

Натижада юз жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратлари мавжуд беморларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқарилиши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 450 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг касаллик тарихларини ретроспектив таҳлил асосида юз-жағ соҳаси кўшма жароҳатларининг иккиламчи битиши (йиринглаши) (48,9%), чандикли деформацион асоратлари(42,5%) учраш частотаси тўқима ва аъзолар нуқсонлари (8,6%)га нисбатан анча юқори эканлиги аниқланган.

Хулоса. Ушбу клиник тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратларини олдиндан башоратлаш ва реабилитация қилиш мақсадида тадбиқ этилган замонавий текшириш ва даволаш усуллари бир қанча иқтисодий ва ижтимоий самарадорликка олиб келиши илмий жиҳатдан асосланди.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ф.Р., Боймуродов Ф.Р. Юз-жағ соҳаси юмшок тўқималари қўшма жароҳатларининг битиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Самарқанд. 2020, №6 (124) Проблемы биологии и медицины.
2. Алимова Д. М., Камилов Х. П., Шукурова У. А. Клинико-иммунологическое обоснование применения озонотерапии в комплексном лечении рецидивирующего афтозного стоматита // Ўзбекистон тиббиёт журналі. – Тошкент, 2010. – №1. – С. 41-43.
3. Боймуродов Ш.А. Совершенствование диагностики и лечения больных с сочетанными травмами костей лицевого скелета. // дисс. док. мед. Наук. –Ташкент. - 2012 г.- С. 22-24.
4. Герасименко М.Ю., Филатова Е.В., Никитин А.А., Стучилов В.А. Косяков М.Н., Гришина Н.В. Новые аспекты реабилитации больных с посттравматическими дефектами и деформациями челюстно-лицевой области //Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК. - 2000-№6-С. 27-29
5. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // Альманах клинической медицины 2т.2.-2010- С. 436-444.
6. Густов А.В., Котов С.А., Контрощикова К.Н. Озонотерапия в неврологии. Н.Новгород 2011; 31-32.
7. Каримов Х.Я., Шевченко Л.И., Бобоев К.Т., Югаи М.А. Метод озонотерапии Сукцинасол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.
8. Ризаев Ж.А., Боймуродов Ш.А., Абдурахмонов Ф.Р., Гаффаров У.Б. Озонотерапиянинг юз-жағ соҳаси қўшма шикастланишларидаги очик жароҳатларни даволашдаги аҳамияти // Биология ва тиббиёт муоммолари журналі. – Самарқанд 2000.-№ 4. С 230-235.
9. Gopalakrishnan S, Parthiban S. Ozone- a new revolution in dentistry. J Bio Innova. 2012; 1:58-69.14. Grotendorst GR, Rahmanie H, Duncan MR. Combinatorial signaling

pathways determine fibroblast proliferation and myofibroblast differentiation. FASEB J. 2014; 18:469-79.

10. Hinz B, Pahn SH, Thannickal VJ, Galli A, Bochaton-Piallat M, Gabbiani G. The myofibroblast: one function, multiple origins. Am J Pathol. 2017; 170-180
11. Das S. Application of ozone therapy in dentistry. Indian J Dent Adv. 2011; 3:538-42.
12. Maiya A. Applications of ozone in dentistry. Int J Clin Dent Sci. 2011; 2:23-7.
13. Seidler V, Linetskiy I, Hubáľková H, Staňková H, Šmucler R, Mazánek J. Ozone and its usage in general medicine and dentistry. A review articles. Prague Med Rep. 2012; 109:5-13.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕАБИЛИТАЦИИ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ОБЛАСТИ ЛИЦА ПУТЕМ ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТОВ ИССЛЕДОВАНИЙ В МЕДИЦИНЕ

*Аббосов О.М., Абдурахмонов Ф.Р., Боймуродов Ш.А.,
Мирзабаев А.М.*

Резюме. В статье рассматривается внедрение результатов научных исследований по лечению и профилактике осложнений травм мягких тканей челюстно-лицевой области, ряд экономических и социальных преимуществ и научных инноваций. Кроме того, научно доказано, что современные методы обследования и лечения, внедренные для прогнозирования осложнений и реабилитации, приводят к ряду экономических и социальных преимуществ.

Ключевые слова: экономическая и социальная эффективность, прогнозирование осложнений, реабилитация.